

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAKLLANISHI SHAROITIDA BAHOlash FAOLIYATINI TASHKIL ETISH TAMOYILLARI

Рихсимбаев О.Қ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

o.rixsimbaev@tsue.uz

Аннотация

Ушбу мақолада Республикамиз иқтисодиётининг хўжалик юритишининг рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида, корхоналарни хусусийлаштириши, давлат тасарруфидан чиқариши, таркибий ўзгартириши ва акциялаштириши жараёнларининг кенгайиши, хорижий капиталнинг жалб этилиши, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар билан амалга ошириладиган турли хилдаги операцияларнинг кенгайиши, хўжалик юритиши бозор механизмларининг ривожланишининг рақамли иқтисодиёт муносабатларини цивилизацияли тартибга солиши ҳамда ошкоралигини таъминлаш шартӣ сифатида баҳолаш фаолиятини шакллантириши ва ривожлантириши масалалари қаралган.

Аннотация

В данной статье в условиях становления цифровой экономики экономики нашей Республики, расширения процессов приватизации, экспроприации предприятий, структурных изменений и капитализации акций, привлечения иностранного капитала, расширения различных операций проведенных на имущественных и неимущественных правах, рассмотрены экономические вопросы формирования и развития оценочной деятельности как условия цивилизованного регулирования отношений цифровой экономики и прозрачности развития рыночных механизмов.

Abstract

In this article, in the conditions of the formation of the digital economy of the economy of our Republic, the expansion of the processes of privatization, expropriation of enterprises, structural change and share capitalization, the attraction of foreign capital, the expansion of various operations carried out with property and non-property rights, the economy issues of formation and development of evaluation activities as a condition for civilized regulation of digital economy relations and transparency of the development of market mechanisms were considered.

Калит сўзлар

баҳолаш фаолияти, бозор қиймати, бошқариш баҳолаш, монополизм, баланс қиймати, нарх, харидор.

Ключевые слова

оценочная деятельность, рыночная стоимость, управленческая оценка, монополия, балансовая стоимость, цена, покупатель.

Keywords

valuation activity, market value, management valuation, monopoly, book value, price, buyer.

Кириш

Рақамли иқтисодиёт фақат бозор инфратузилмаси яхши ривожланган ва шаффофлиги таъминланган тақдирда тўлақонли фаолият кўрсатишга қодир бўлади. У нафақат товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатини оширади, балки мулкдорлар ўртасидаги ва мулкдорлар билан давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга кўмаклашади. Баҳолаш фаолияти ушбу инфратузилманинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Айниқса, рақамли иқтисодиёт муносабатларини шакллантиришда баҳолаш фаолиятига катта аҳамият берилади.

Бу эса ўз навбатида, капиталистик иқтисодий тизим ҳукумронлик қилган шароитда товар-пул муносабатлари ва ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлашнинг ривожланиши моддий ва номоддий асосий фондлар қийматини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишга таъсир кўрсатувчи янги шароитларни белгилаб берди, хусусан:

➤ жамиятнинг хўжалик юритишнинг бозор механизмларига жалб этилган ҳамда моддий ва номоддий асосий фондлар бозорларининг иштирокчилари сифатида қатнашувчи катта қисми баҳолаш фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий базасига айланди;

➤ устувор мақсадлар ва уларга эришиш усуллари ўзгарди, иқтисодий мотивациялар, фойда ва даромадлар олиш дастлабки ўринга чиқди;

➤ бутун жамиятни демократлаштириш ва устувор йўналишлар ва мақсадларни ўзгартириш натижаси сифатида демократик асослар кучайди;

хўжалик юритиш усуллари такомиллашди, хўжалик юритишнинг янги тадбиркорлик усуллари ривожланиб бормоқда.

Адабиётлар таҳлили

Бу борада, О.Аникина “Агар ашъвий ва бошқа ҳуқуқларни баҳолаш талаб ва таклифнинг нисбати, минтақадаги иқтисодий вазият, даромадлилик ҳамда кутилаётган даромадларни олиш билан боғлиқ хатарлар, бизнес устидан назорат даражаси ва объектларнинг ликвидлилиги даражаси каби бозор омилларини

ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилса, у ҳолда юзага келган бозор муносабатлари ҳақида гапириш мушкул¹ -деб таъкидлайди.

Жаҳон амалиётидаги баҳолаш фаолиятининг бугунги кўриниши узоқ вақт мобайнида фуқаролик-ҳуқуқий оборотга жалб этиладиган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар қийматини баҳолашни ўтказиш тамойиллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш натижаси ҳисобланади. Аксарият тадқиқотчилар жумладан, Л.П. Буфетова, Ш.Жид ва Ш.Ристларнинг фикрига кўра, тадбиркорлик ва унинг ижтимоий базаси ҳисобланган капиталистик муносабатлар ҳунармандчилик иқтисодий тизимда товар-пул муносабатларининг ривожланиши жараёнида юзага келади² - деб таъкидлашади.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий баҳолаш фаолияти бозор муносабатларини ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, хўжалик юритишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш, капитал ҳаракати ва бозорларнинг очиқлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини тартибга солишнинг зарур шарти ҳисобланади. Баҳолаш фаолиятининг бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишидаги иштирокининг асосий йўналишлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Баҳолаш фаолиятининг бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишидаги иштирокининг асосий йўналишлари

¹ Аникина О. «О развитии оценочной деятельности в Узбекистане». Журнал «Экономика и класс собственников», №3, 2002 г, стр. 42.

² Буфетова Л.П. История экономики. Учебное пособие. Часть I. Барнаул. Академия экономики и права. Алтайское отделение, 1996; Жид Ш. Кооперация. С-Петербург, Прометей, 1909.; Жид Ш. Рист Ш. История экономических учений. М., Экономика, 1995.

Баҳолаш фаолиятининг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги иштирокининг кўп режавийлиги давлатнинг баҳолаш корхоналари мустақиллигининг юқори даражасини таъминлаш билан бирга уни (баҳолаш фаолиятини) тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали механизмини яратиш ҳамда ривожлантиришдан манфаатдорлигини белгилаб беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай уйғунлаштириш қатор принципиал ёндашувларни ўз ичига олиши керак (2-расм).



2-расм. Рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида асосий фондларни баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш

Баҳолаш фаолиятини (давлат ва жамоат касаба бирлашмалари томонидан) тартибга солиш баҳолаш фаолиятини ушбу тузилмаларни ривожлантириш стратегик маркетингга мувофиқ баҳолаш тузилмаларининг ўзлари томонидан бошқариш билан узвий боғланиши керак. Шунингдек, баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг барча таркибий қисмлари ҳам тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида, ҳам бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқ мажмуини ўзида намоён этади. Шу муносабат билан баҳолаш фаолиятига, унинг капиталистик иқтисодий тизимнинг ривожланишидаги ўрнига, шунингдек, унга асос қилиб олинган

асосий иқтисодий тамойилларни амалга оширишга нисбатан ёндашув ҳам тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ислоҳ қилиш, унинг кўп укладлилигини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги жараёнлари маҳаллий шароитга мослаштирилган усуллари назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва бу борадаги тажрибани илмий жиҳатдан умумлаштириш, баҳолаш тузилмаларини халқаро касаба ҳамжамиятларига босқичма-босқич интеграциялаш ва баҳолаш ишларини халқаро баҳолаш стандартларининг талабларига мувофиқ амалга оширишга изчил ўтказиш йўллари ўрганиш билан узвқий боғлиқ. Буларнинг барчаси, пировардида, баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бозор иқтисодиёти ривожланишининг зарур шarti сифатида асосий фондлар қийматини баҳолаш турли асосий фондлар обороти ва улардан фойдаланишда иштирок этиши керак. Уларнинг асосийлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида оборотга жалб этиладиган асосий моддий ва номоддий асосий фондлар

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш ушбу моделининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ иқтисодий ислохотларнинг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат бўлди. Бунда давлат мол-мулки фақат янги мулкдорларга сотиш йўли билангина


мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши мумкин. Хусусийлаштиришнинг пуллилиги қуйидаги қатор омиллар билан шартланган:

- руҳий (сотиб олинган нарса ҳақиқатдан ҳам авайланади ва қадрланади);
- ижтимоий адолатсизликка йўл қўймаслик зарурати (қўплаб авлодларнинг меҳнати билан яратилган давлат мол-мулкани барча аҳоли ўртасида тенг тақсимлашда буни таъминлашнинг иложи йўқ);
- аксарият кўпчилик аҳолининг хусусийлаштиришнинг бошқа шаклларига мослашмаганлиги ва улар учун зарур бўлган тегишли бозор тузилмаларининг мавжуд эмаслиги;
- давлат бюджетини сезиларли тарзда тўлдириш ва давлат мулкани сотишдан олинган маблағлардан асосан корхоналарни ислоҳ қилиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини барпо этиш мақсадларида фойдаланиш имкониятларининг яратилиши.

Хусусийлаштиришнинг дастурий ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш республикамизда амалга оширилаётган ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти бўлди. Республикамизда амалга оширилаётган хусусийлаштиришни таҳлил қилиш унинг қуйидаги асосий усуллари ажратиш имконини беради:

- давлат корхоналарининг акцияларини очикча сотиш;
- асосий фондлар ёки акциялар пакетини тўғридан-тўғри сотиб олиш йўли билан давлат корхоналарини хусусий инвестициялаш;
- давлат корхоналарининг асосий фондларини сотиш ва кейинчалик тегишли қарзларни тўлаш орқали давлат корхоналарини тугатиш;
- давлат корхоналарини алоҳида корхоналарга таркибий ўзгартириш ва кейинчалик уларни қисмларга бўлиб сотиш;
- корхоналарининг меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сотиб олиниши;
- давлат корхонасининг хусусий шахс томонидан ижарага олиниши ёки давлат билан хусусий корхона ўртасида бошқарув тўғрисидаги келишувнинг тузилиши.

Турли хилдаги давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг ривожланиши хўжалик юритиш турли механизмларининг ривожланиши билан фаол уйғунлаштирилди, бу қўшма корхоналар шартли маблағлари, кредитлаш учун гаровлар қийматини баҳолашнинг, солиқ солиш мақсадлари учун баҳолашнинг ривожланишига олиб келди. Хусусийлаштириш ва иқтисодийётнинг ислоҳ қилиш моделининг ўзига хос хусусиятлари баҳолаш фаолиятининг шаклланиши, ривожланиши ва тартибга солинишига турли омилларнинг таъсирини белгилаб берди (4-расм).



4-расм. Баҳолаш фаолияти бозор иқтисодиётини шакллантириш омили сифатида

Республикамиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг аввалида асосий фондлар қийматини бозордаги талаб ва таклиф конъюнктураси, активдан фойдаланишдан олинган даромад даражаси, активнинг конструктив ва технологик хусусиятлари, унинг фойдалилиги каби бозор омилларини ҳисобга олган ҳолда аниқлашнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун хусусийлаштириладиган корхоналар учун инфляция жараёнларини акс эттирувчи қимматлашув коэффициентларини қўллаган ҳолда асосий фондларнинг баланс қийматини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Баҳолаш назариясига мувофиқ қимматлашган нормативлар бўйича ҳисоблаб чиқиладиган қиймат норматив қийматни ўзида намоён этади ва шартли равишда бозор қиймати ҳисобланади.

Шу муносабат билан иқтисодиётни шакллантириш ва хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштиришнинг кейинги босқичида асосий фондлар қийматини баҳолашни такомиллаштириш ва баҳолаш фаолиятини ривожлантириш тадбирларининг кенг мажмуини амалга ошириш талаб этилди. Ушбу чора-тадбирлар мажмуи баҳолаш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантиришни, турли асосий фондлар бозор конъюнктурасининг ҳолати бўйича ахборотга асосланган асосий фондлар қийматини баҳолаш усуллариининг ролини оширишни, илмий ва ўқув муассасалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қошида тегишли курсларни ташкил этиш йўли билан малакали баҳоловчи кадрларни тайёрлашни кенгайтиришни ўз ичига олди. Республикамизда баҳолаш фаолиятининг ривожланиши ва иқтисодий ислохотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлиги 2-жадвалда келтирилган.

**Асосий фондлар қийматини баҳолашнинг ривожланиши билан иқтисодий
ислохотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлиги**

Иқтисодиёт хиллари	Бозорларнинг ҳолати	Асосий фондларнинг фуқаролик-ҳуқуқий обороти	Қиймат баҳосини аниқлаш усули	Баҳолаш ишларини амалга ошириш
Иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими	Мавжуд эмас	Фойдаланишга бепул топшириш. Давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш	Баланс	-
Ўтиш иқтисодиёти				
I босқич	Шаклланиш	Операцияларни чеклаш	Баланс-ҳисоб	Давлат баҳолаш тузилмалари
II босқич	Вужудга келиш	Асосий фондлар билан операцияларни кенгайтириш	Бозор унсурларига эга норматив-ҳисоб	Давлат баҳолаш тузилмалари
III босқич	Ривожланиш	Ислохотлар билан қамраб олинган асосий фондларни оборотга жалб қилиш	Норматив-ҳисоб унсурларига эга бозор	Хусусий баҳолаш тузилмалари
Бозор иқтисодиёти	Фаолият кўрсатиш	Асосий фондлар билан операцияларнинг бутун мажмуи	Бозор	Хусусий баҳолаш тузилмалари

Иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишига қараб баҳолаш ишларини амалга ошириш ташкилий хусусиятининг ўзгариши объектив тарзда республикамизда баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг барча таркибий қисмларининг ўзгариш динамикасини белгилаб берди. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш динамикаси моддий ва номоддий асосий фондларнинг қийматини намоён этувчи “талаб, фодалилик, чекланган таклиф ва мулкчилик ҳуқуқини ўтказиш имконияти” каби тўртта таркибий шарт-шароитларга амал қилинишини таъминлашга асосланди³.

Талаб деганда бозорда муайян вақтда сотиб олиниши мумкин бўлган қандайдир активнинг миқдори тушунилади. Талабнинг ортиши, аксарият ҳолатларда, нархларнинг ўсишига олиб келади.

³ Попов Г.В. «Основы оценки актива». Пятое издание, М., 1995г. стр. 9.

Фойдалилик деганда активнинг инсон эҳтиёжларини қондириш қобилияти тушунилади. Одатда, ушбу актив қанчалик кўп эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлса, унга нисбатан талаб шунчалик катта бўлади. Фойдалиликнинг ортиши одатда нархларнинг ўсиши билан кузатилади. Талабнинг катталиги ва фойдалиликнинг юқорилигига қарамай ҳеч бир бозор иштирокчилари ундан чекланмаган тарзда фойдалаш имкониятига эга бўлгунга қадар қийматга эга бўлмайди.

Баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришда яқуний натижаларга катта таъсир кўрсатувчи омилларнинг кенг доирасини ҳисобга олиш лозим. Булар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, табиий ва бошқа омиллардир. Ижтимоий омиллар жумласига асосан аҳоли тавсифи, шу жумладан демографик таркиб, никоҳ қуриш ва ажрашиш даражаси, оилаларда фарзандларнинг ўртача сони, аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши ва ҳ.к. киради. Уларнинг барчаси асосий фондларга бўлган потенциал талабни ва унинг таркибини белгилаб беради.

Асосий фондларнинг қиймат баҳосини белгилаб берувчи асосий иқтисодий омиллар талаб; баҳоланаётган активнинг ҳозирги ва келгуси фойдаси; шунга ўхшаш асосий фондларни барпо этиш харажатлари; шунга ўхшаш актив учун талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати; активдан даромадлар олиш хатари; асосий фондларни назорат қилиш даражаси ва уларнинг ликвидлилик даражасидан иборат⁴.

Асосий сиёсий омиллар асосий фондлар қийматини баҳолашга катта таъсир кўрсатади ва баъзан алоҳида минтақаларда талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати каби мавжуд иқтисодий шарт-шароитлардан устун бўлиши мумкин. Асосий фондлар қийматини баҳолашга катта таъсир кўрсатувчи давлат томонидан тартибга солиш соҳасига қуйидагилар киради:

-асосий фондлар обороти ва ердан фойдаланиш усуллариининг чекланганлиги, қурилишдаги нормативлар;

-коммунал хизматлар, ёнғиндан қўриқлаш ва тартибни сақлаш, аҳлатни тозалаш ва жамоат транспорти;

-солиқ сиёсати;

-асосий фондлар қийматига таъсир кўрсатувчи махсус ҳуқуқий нормалар (ижара ставкаларининг норматив белгиланиши, мулкчилик ҳуқуқларининг чекланганлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, капитал қурилишга давлат инвестициялари ва ҳ.к.).

Баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришда ҳам табиий, ҳам сунъий шароитлар замирида асосий фондлар қийматини шакллантирувчи қуйидаги табиий омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарур: жойнинг иқлим шароитлари (ёғингарчилик, ҳарорат, намлик), топография, тупроқ тавсифи, таркибида захарли элементларнинг мавжудлиги, қурилишни давом эттириш йўлидаги табиий тўсиқлар, баҳоланаётган актив ҳудудининг сув босишга, қирғоқчиликка, бўронларга, қуюнларга, зилзилаларга ва ўпирилишларга мойиллиги.

4 «Оценка бизнеса» М. «Финансы и статистика», 2003г., стр. 27.

Баҳолаш фаолиятини тартибга солишнинг ижтимоий жиҳатлари фаолиятнинг ушбу тури билан банд бўлган мутахассисларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, баҳоловчиларнинг жавобгарлиги, профессионаллиги ва мустақиллигини ўз ичига олади. Баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш асосий фондларни баҳолаш жараёнининг назарий асоси билан узвий ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши керак. Баҳолаш тамойиллари тизими эса унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳон амалиётида баҳолаш тамойилларининг мулкдорнинг тасаввурларига, фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бозор муҳитининг таъсири билан шартланган ва энг яхши ҳамда самарали фойдаланиш билан боғлиқ тўртта гуруҳини ажратиш қабул қилинган(5-расм).



5-расм. Баҳолаш фаолиятини тартибга солишда ҳисобга олиниши лозим бўлган асосий баҳолаш тамойиллари

Тамойиллар сонининг катталиги уларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида қўлланилишини аниқлатмайди. Ҳар бир ҳолатда турли асосий ва ёрдамчи тамойиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур тамойиллар фақатгина бозор иқтисодиёти субъектлари хатти-ҳаракатининг асосий қонуниятларини тавсифлайди ва реал турмуш шароитларида бир қатор омиллар уларнинг таъсирини бузиб кўрсатиши мумкин. Бироқ, ушбу тамойилларга бутун баҳолаш жараёни амал қилиши керак ва бу баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришда ўз аксини топмоғи лозим.

Фойдалилик тамойили шундан иборатки, актив мулкдорнинг эҳтиёжини қанчалик кўп қондиришга қодир бўлса, унинг қиймати шунчалик юқори бўлади. Ҳар қандай фойдаланувчининг нуқтаи назаридан активнинг баҳолаш қиймати худди шундай фойда келтирувчи ўхшаш активнинг энг паст нархидан юқори бўлиши керак. Бундан ташқари, объект учун худди шундай фойда келтирувчи янги активи қулай муддатларда барпо этиш қийматидан юқори нарх тўлаш

мақсадга мувофиқ эмас. Фойдалилик тамойилини қўллашнинг яна бир жиҳати: агар инвестор даромад оқимини таҳлил қилаётган бўлса, у ҳолда энг паст нарх худди шундай хатар ва сифат даражасига эга бўлган бошқа даромадлар оқимини ўрганиш орқали аниқланади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида баҳолаш фаолиятининг шаклланишини ҳам ушбу даврга киритиш лозим. Хунармандчилик ишлаб чиқариши шароитида ўша вақтдаги техника ва технологиянинг нисбатан бир хил даражасида моддий асосий фондларни баҳолаш уларни яратиш учун сарфланган меҳнатга қараб амалга оширилиши мумкин эди. Кейинчалик, оборотга ишлаб чиқариш технологиясининг турли даражасини таъминловчи ишлаб чиқариш воситаларининг жалб қилиниши даромад келтирувчи моддий ва номоддий асосий фондларни уларнинг турли хусусиятларини ҳамда улардан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланли.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагича:

Баҳолаш тамойилларининг биринчи гуруҳи мулкдан фойдаланиш билан шартланган бўлиб, баҳоловчиларнинг тасавури билан боғлиқ.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг даромадлиги ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари ер, ишчи кучи, капитал ва бошқарув эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Попов Г.В. «Основы оценки актива». Пятое издание, М., 1995г. стр. 9.
2. «Оценка бизнеса» М. «Финансы и статистика», 2003г., стр. 27.
3. Аникина О. «О развитии оценочной деятельности в Узбекистане». Журнал «Экономика и класс собственников», №3, 2002 г, стр. 42.
4. Буфетова Л.П. История экономики. Учебное пособие. Часть I. Барнаул. Академия экономики и права. Алтайское отделение, 1996;
5. Жид Ш. Кооперация. С-Петербург, Прометей, 1909.; Жид Ш. Рист Ш. История экономических учений. М., Экономика, 1995.
6. Горохова Д. Г., Попов А. Ю., Классификация оценки активов: проблемы и решения, Банки, Финансы, Учет, №4 2024, стр. 56-61.
7. Tim Smith, Gordon Scott, What is Asset Valuation?, Investopedia, 2023.
8. Лейфер Л.А., Кашникова З.А. Модифицированный метод выделения для оценки рыночной стоимости земельных участков производственно-складского назначения //Имущественные отношения в РФ. - 2006. - №10(61).
9. Баринов Н.П. О разбросе цен на один объект недвижимости (результаты опроса специалистов) // Бюллетень RWAY/ – №271 (октябрь 2017), URL: http://sroro.ru/upload/iblock/347/o-razbrose-tsen-na-nedvizhimost_barinov-n.p..pdf
10. Аббасов М.Э. Метод «парных продаж». Границы применимости/URL:<http://www.appraiser.ru/default.aspx?SectionId=35&Id=372>